

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2016 йил 12 июль, № 134 (6569) Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

# ГЎЗАЛ ВА БЕТАКРОРИМСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, ЖОНИМ СЕНГА ФИДО, ЎЗБЕКИСТОНИМ!






*Мамлакатимизда энг улуғ, энг азиз айём — мустақиллигимизнинг қутлуғ йигирма беш йиллик байрами шукуҳи кезиб юрибди. Шундай қувончли дамларда юртдошларимиз бугунги дориламон кунларга, фаровон ҳаётга шукроналар келтириб, буларнинг барчаси улуғ неъмат — истиқлол туфайли эканлигини бот-бот такрорлайдилар.*

*Дарҳақиқат, мустақиллик ҳеч кимга қарам бўлмасдан, миллий манфаатларимиз, узоқ ва давомли мақсадларимизни кўзлаб яшаш ҳамда меҳнат қилиш имконини берди.*

## САНОАТИ ТАРАҚҚИЙ ТОПГАН ЮРТ



Натижада тарихан жуда қисқа давр мобайнида юқори натижаларга эришдик. Бундай юксалишлар замирида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилган ўзига хос ва ноёб тараққиёт йўлимиз — “ўзбек модели” мужассам бўлиб, шу асосда олиб борилаётган изчил ислоҳотлар туфайли иқтисодиётимизнинг барча тармоғи, айниқса, тўқимачилик ҳамда енгил саноат тарихида том маънода янги саҳифа очилди.

### Кеча ким эдигу, бугун ким бўлдик?!

Бугун Ўзбекистон ҳақида гап кетганда, саноати жадал суръатлар билан ўсиб, иқтисодий қудрати ва салоҳияти юксалиб бораётган замонавий давлат сифатида тилга олинади. Сабаби, истиқлол йилларида юртимизда саноатнинг ҳамма йўналиши, айниқса, юқори технологияларга асосланган тармоқлар муттасил равишда тараққий топмоқда. Бироқ бундай натижага осонликча эришилгани йўқ. Яқин ўтмишда, аниқроғи, ўтган асрнинг саксонинчи йиллари охирларида Ўзбекистон кескин ижтимоий муаммолар гирдобига тушиб қолган, пахта яккаҳокимлиги ҳалокатли тус олган, иқтисодиёти бир ёқлама ривожланган, қолоқ аграр республика эди. Ўша пайтларда етиштирилаётган пахтанинг атиги 7 фоизи ўзимизда, қолган қисми эса бошқа давлатларда қайта ишланарди. Пировардида асосий фойда пахта хом ашёсини қайта ишлаган мамлакатларга бориб тушарди.

(Давоми 4-бетда).

*Бугун республикамизда меҳнат бозорига кириб келаётган ёшларга арзон ишчи кучи сифатида эмас, аксинча, салоҳияти юксак, рақобатдош кадрлар деб қаралмоқда. Шунга монанд равишда йигит-қизларни касбий таълим олиш жараёнидаёқ ўз мутахассислиги бўйича тегишли корхона, ташкилот ёки муассасага амалиёт ўташи учун йўналтириш, тўрт томонлама шартнома асосида бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор ҳамда масъулият билан ёндашилаяпти.*

## Касбий таълим: АНИҚ МАҚСАД, ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВ, САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК

Бошқача айтганда, эрта-индин касб-ҳунар коллежини ёхуд олий ўқув юртини битириш арафасида турган ҳар бир мутахассис қўлига диплом олгач, қачон, қаерда ва қандай қулайликлар эвазига меҳнат фаолиятини бошлашини яхши билади. Бу эса унинг келажакка ишончи мустаҳкамлигидан, аниқ мақсад ҳамда қатъий позицияга эга эканидан далолат беради.

Ўрни келганда, таққослаш учун мустақилликкача бўлган даврдаги навқирон авлоднинг ижтимоий ҳолатини, жамиятда тутган ўрни ва мавқеини эслайлик. Собиқ тузум пайтида, очиғи, мактабни тамомлаган йигит-қизларнинг тақдири давлат ҳамда жамиятни у қадар қизиқтирмас, техникум ёки маълум бир ҳунар билим юртини битираётган мутахассисларни ишга жойлаштириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида ҳафсаласизлик кузатилар, ўз ҳолига ташлаб қўйилган бу тоифа ёшларнинг иш топа олганлари меҳнат фаолиятини юритса, иш топа олмаганлари, табиийки, қишлоқ хўжалигига жалб қилинарди. Чунки иқтисодиёти бир ёқлама ривожланган, асосан, хом ашё етказиб берувчи аграр республикада ижтимоий фаол, илм-фан ҳамда техника ютуқларини пухта ўзлаштирган, давлат тараққиётини белгилаб берувчи соҳалар бўйича халқаро стандартларга мос кадрлар эмас, балки билагида кучи бор, тобелик кайфиятидаги ёшларнинг кўпайиши мустамлакачилик сиёсати учун мақбул саналар эди. Ўтган асрнинг 90-йилларига келиб, юртимизда ижтимоий-иқтисодий инқироз жамият ҳаётининг барча жабҳасини чуқур муаммолар гирдобига ташлади. Ишсизлик даражаси ортди. Бундан аҳолининг ҳамма қатлами, айниқса, ёшлар катта жабр кўрди.

(Давоми 3-бетда).

### МАРДЛАР ҚЎРИҚЛАЙДИ ВАТАННИ!

Юртимизда мустақиллик йилларида ҳарбий кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг замонавий талабларга жавоб берадиган тизими яратилди. Пировардида миллий армиямиз сафлари пухта тайёргарликка эга, интеллектуал жиҳатдан етук, стратегик фикрлай оладиган мутахассислар билан тўлдириб борилаётир. Бу йўлдаги кенг кўламли саъй-ҳаракатлар эса изчил давом эттирилмоқда.

## Интеллектуал салоҳият ва билимлар синови

Зеро, ҳарбий таълим тизими сифатини доимо юксалтириб бориш давлатимиз мудофаа салоҳиятини мустаҳкамлашнинг устувор йўналишларидан биридир.

Айтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Академияси, Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти, Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти, Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юрти, Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти, Тошкент ахборот технологиялари университетининг Махсус факультети, Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги Ҳарбий-тиббиёт факультети ва сержантлар тайёрлаш мактаблари мамлакатимизда миллий офицерлар ҳамда сержантларни камол топтириш ишини юқори поғонага кўтарди.

Ўз навбатида, олий ҳарбий таълим муассасаларида таҳсил олишга иштиёқи баланд ёшлар сони тобора кўпайиб бораётгани диққатга сазовордир. Куни кеча ана шундай навқирон авлод вакилларидан бир гуруҳининг билими, дунёқараши тест асосида синовдан ўтказилди. Унда етарли балл тўплай олганлар шарафли касб — офицерлик сари қадам ташлайди.

(Давоми 2-бетда).

## «Ўзбек халқи эришган муваффақиятлари билан фахрланишга ҳамда келажакка ишонч билан қарашга ҳақлидир»

Ўзбекистон давлат мустақиллигининг 25 йиллиги арафасида хорижий мамлакатлар ижтимоий-сиёсий доиралари вакиллари халқимизни тобора яқинлашиб келаётган қутлуғ сана билан табриклашмоқда.

### БИЗ ВА ЖАҲОН

Масалан, **Германия Федератив Республикаси Бундестаги (парламенти) Сайёҳлик қўмитасининг раиси Хайке Бремер** ўзининг самимий тилакларини изҳор этар экан, қуйидаги фикр-мулоҳазаларини билдирди:

— Мамлакатларимиз ўртасида турли йўналишларда икки томонлама ўзаро ҳамкорлик алоқалари изчил ривожланиб бормоқда.

Икки йил бурун БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгашининг Самарқандда бўлиб ўтган 99-сессияси мажлисида иштирок этиш учун Ўзбекистонга борган эдим. Ушбу ташриф менда сира унутилмас таассуротлар қолдирди. Чунки кўҳна меъморий ёдгорликлар, шаҳарнинг замонавий қиёфаси, мамлакат табиатининг гўзаллиги ва ўзбек халқининг меҳмондўстлиги мени ҳайратга солган эди.

Шундай бой салоҳиятга эга бўлган, яъни сайёҳларга турли-туман — маданий, экологик, табобат сайёҳлиги ҳамда туризмнинг бошқа хизматларини таклиф этаётган Ўзбекистон оммабоп ва машҳур сайёҳлик йўналиши сифатида ажойиб истиқболга эга мамлакатдир, деб ўйлайман.

Дарҳақиқат, сайёҳлик муҳим иқтисодий омиллардан бири бўлиб қолмасдан, халқлар ўртасида бир-бирини тўғри тушуниш ишига ҳам салмоқли ҳисса қўшади. У, шунингдек, одамлар онгини кенгайтиришга ҳамда хурофот ва бидъатларни бартараф этишга ҳам кўмаклашади.

(Давоми 2-бетда).

## Юксак марраларни кўзлаган авлод

Андижонда “Ким эдигу ким бўлдик, эртага қандай марраларни эгаллашимиз керак?” деб номланган тарғибот-ташвиқот тадбирлари бошланди.

### ТАДБИР

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликлари, Маънавият тарғибот маркази, “Ўзбеккино” Миллий агентлиги, “Ўзбекнаво” эстрада бирлашмаси, “Ўзбектеатр” ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ёзувчилар уюшмаси, Ёшлар маданият ва санъат маркази ҳамкорлигида ўтказилаётган мазкур акция орқали навқирон авлод вакилларини миллий қадриятлар, юксак инсоний фазилатлар руҳида тарбиялаш, турли ахборот хуружларидан ишончли ҳимоя қилиш ҳамда фаол фуқаролик позициясини шакллантириш каби эзгу мақсадлар кўзда тутилган.

Тадбир аввалида вилоят ҳокимлигида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

(Давоми 2-бетда).




**Ўзбекистон — бахтиёр инсонлар мамлакати**

**Юртимиз мева-сабзавотига дунё харидор**

## Эпизоотик барқарорлик сақланмоқда

Ҳайвонлар соғлиғини ҳимоя қилиш халқаро ташкилотининг маълумотларига қараганда, кейинги пайтда айрим мамлакатларда хавфли инфекциялар билан боғлиқ мураккаб вазият кузатилиб, куйдирги, оқсим ва Қрим-Конго геморрагик иситмаси каби касалликлар тарқалмоқда.

### ЭҲТИЁТ ШАРТ!

Ўзбекистонда чорва моллари ҳамда ҳайвонларнинг хавфли юқумли касалликлари кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш бўйича кўрилаётган изчил чора-тадбирлар туфайли барқарор эпизоотик вазият сақланмоқда.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда юқумли касалликларга қарши мустаҳкам ҳимоя тизими яратилган бўлиб, ширкат ҳамда фермер хўжаликлари, аҳоли қарамоғидаги чорва моллари мунтазам равишда кўрикдан ўтказилади. Шу билан бирга, эпизоотологик мониторинг юритилиб, чорвани ўта хавфли касалликларга қарши эмлаш учун вакциналар бепул ажратилаётгани эътиборга моликдир.

Барча тоифадаги хўжаликларда эҳтиёткорликни янада ошириш, эктопаразитларга қарши ишлов бериш ва касалликларнинг олдини олиш мақсадида жойларга керакли миқдорда дезинсекция ҳамда чўмилтириш воситалари ўз вақтида етказиб берилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

**2016 ЙИЛ — СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА ЙИЛИ**

Хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини кучайтириш, саломатлигини мустаҳкамлаш, интеллектуал салоҳиятини юксалтириш айни пайтда мамлакатимизда ҳаётга изчил татбиқ этилаётган "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурининг мақсад ҳамда вазифаларига уйғундир. Бу борадаги кенг қамровли чора-тадбирлар аёлларнинг оила ва жамиятдаги мавқеи тобора ошиб боришида муҳим омил бўлмоқда.

Таъкидлаш жоизки, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашда давлат органлари, фуқаролик жамияти институтларининг самарали ҳамкорлиги йўлга қўйилган. Хусусан, ноёб тизим — маҳалла институти манзилли ижтимоий ёрдам кўрсатиш ҳамда оилаларни мустаҳкамлаш, аёлларга ҳар томонлама кўмаклашиш марказига айланаяпти. Қувонарлиси, бундай ўзига хос тажриба халқаро жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотмоқда, буни ўрганиш лозимлиги эътироф этилаётир.

# АЁЛЛАР ИЖТИМОИЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ — УСТУВОР МАҚСАД

"Маҳалла" хайрия жамоат фонди Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда жойларда ташкил қилаётган Аёллар маслаҳат марказларини нозик хилқат вакилларига кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликнинг яна бир ёрқин ифодаси, дейиш мумкин. Зотан, бундай марказлар хотин-қизлар ўртасида маънавий муҳитни соғломлаштириш, тиббий саводхонликни ошириш, уларнинг қонуний манфаатларини таъминлаш, ҳуқуқ ҳамда эркинликларини ҳимоя қилиш, оила институтини ривожлантириш, уй бекаларининг турмуш тарзини, дунёқарашини янада яхшилаш ва турли маънавий-мафкуравий хуружлардан асрашга хизмат қилаётгани билан аҳамиятлидир.

Айни пайтда пойтахтимизнинг қатор туманларида Аёллар маслаҳат маркази фаолият юритмоқда. Айниқса, фарзанд тарбияси ҳамда уй-рўзғор юмушлари билан машғул, иш билан банд бўлмаган уй бекалари жамиятда ўзини тўлақонли ҳис этишида, ижтимоий фаоллиги ошишида ушбу масканларнинг таъсири ортаётир.

— Баъзан аёлларнинг ўз яқинларига айта олмайдиган масалалари, ўй-фикрлари бўлади. Кимгадир маслаҳат солса, маҳалла-кўйга овоза бўлишидан чўчийди. Бундай аёлларга тўғри йўл кўрсатиш, руҳий далда бериш, муаммоларини оқилона ечишга кўмаклашиш зарур. Марказимиз фаолиятида айнан шу мақсад асосий мезон ҳисобланади, — дейди Олмазор туманидаги Аёллар маслаҳат маркази раҳбари Дилдора Тожибоева.

"Хончорбоғ" маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган, замонавий шарт-шароитга эга мазкур марказда хотин-қизларга тиббий, ижтимоий, ҳуқуқий, маънавий, психологик ёрдам кўрсатишнинг йўлга қўйилгани айни муддао бўлди. 2014 йилдан буён фаолият кўрсатиб келаётган ушбу муассасада хизмат ва маслаҳатлар бепул бўлиб, тажрибали психолог, умумий амалиёт шифокори ҳамда ҳуқуқшунос жалб қилинган.

Маълумотларга кўра, марказга кўпроқ ёш келинлар ва 40 ёшдан ошган аёллар мурожаат этмоқда. Асосан, қайнона-келин ўртасидаги келишмовчиликни бартараф қилиш, ўсмир ёшидаги фарзандни тўғри тарбиялаш, ажралиш ёқасида турган оилани сақлаб қолиш, юридик маслаҳат олиш билан боғлиқ мазкур мурожаатлар тегишли мутахассислар томонидан ўрганилиб, аёлларга зарур кўмак берилаётир. Бундан ташқари, Олмазор тумани бандликка кўмаклашиш маркази тақдим этаётган вакант иш ўринлари ҳақидаги маълумотнома асосида хотин-қизлар бандлигини таъминлашда ҳам марказ ташаббус кўрсатмоқда.

— Рўзғори бут, хонадони обод, фарзандларининг эртасидан кўнгли тўқ аёл жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол қатнашишга, ўз салоҳиятини, иқтидорини намоён қилишга интилади, — дейди ушбу маскан психологи Сарвинисо Камолова. — Ҳар бир оиладаги файзу барака, тотувлик, маънавий-ахлоқий муҳит ва табиийки, ўша оилада камолга етаётган ўғил-қизларнинг тарбияси кўп жиҳатдан аёлга боғлиқ. Марказимизга келаётган аёлларни ўйлантираётган масалаларни ҳал этиш асносида уларда ўзларига нисбатан ишонч ҳамда қатъиятни мустаҳкамлашга алоҳида ёндашамиз.

Марказда, шунингдек, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, хотин-қизларни турли диний экстремистик, гиёҳвандлик ва бошқа иллатлардан асраш, одам савдоси қурбони бўлишининг олдини олиш, фарзандларни, айниқса, қизларни миллий қадриятларимизга таянган ҳолда тўғри тарбиялаш, яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг, қизларни эрта турмушга беришнинг салбий оқибатларига бағишланган маънавий-маърифий тадбирлар доимий равишда ўтказилмоқда. Малакали мутахассислар томонидан олиб борилаётган бундай тадбирлар аёлларнинг дунёқараши, атроф-воқеликларга муносабати ўзгаришида салмоқли ўрин тутаяпти.

Дарҳақиқат, жамиятнинг хотин-қизларга бўлган муносабати, ҳурмати халқнинг, миллатнинг маданий даражасини ҳамда маънавий камолотини белгилайди. Мамлакатимизда аёлларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаёт ва маданият соҳаларидаги, давлат ҳамда жамият бошқарувидаги иштироки фаоллашиб бораётгани уларга кўрсатилаётган юксак эътибору ғамхўрликнинг ёрқин ифодасидир. Аслида, ҳар бир аёл учун тинч-фаровон юртда яшашдан, оила ва жамият эъзозида бўлишу соғлом фарзандларни камолга етказишдан ортиқ саодат бўлмаса керак.

**Фарида МАҲКАМОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## АКАДЕМИК РУБЕН АКОПОВИЧ САФАРОВ



Ўзбекистон илм-фани оғир жудоликка учради. Фан ва техника тарихи соҳасидаги таниқли олим, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги Рубен Акопович Сафаров 86 ёшида вафот этди.

Р. Сафаров 1930 йилда Андижон шаҳрида туғилди. 1953 йили Москва юридик институтини тугатди. 1963 йилда номзодлик, 1982 йилда докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. 1989 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг аъзоси этиб сайланди.

Ўзининг 60 йилдан ортиқ меҳнат фаолияти давомида Р. Сафаров Андижон вилояти адлия бошқармаси ревизори, "Андижанская правда" газетаси муҳаррири, Давлат матбуот қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари, "Правда Востока" газетаси бош муҳаррири лавозимларида самарали меҳнат қилди. Юртимизда тарих ҳамда журналистика соҳасини ривожлантириш ишларига муносиб ҳисса қўшди.

Р. Сафаровнинг ушбу йўналишдаги бир қанча рисола ва мақолалари кенг жамоатчиликка яхши маълум.

Жонкуяр ва меҳрибон инсон сифатида кўплаб ёшларга илм-фан сирларидан сабоқ берган. Унинг раҳбарлигида бир қатор фан докторлари ва фан номзодлари тайёрланган.

Академик Р. Сафаровнинг мамлакатимиз илм-фанини ривожлантириш борасидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланган. У "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими" фахрий унвони, "Шуҳрат" медали билан мукофотланган эди.

Моҳир ташкилотчи, камтарин инсон Рубен Сафаровнинг хотираси қалбларимизда ҳамиша сақланиб қолади.

**И. КАРИМОВ, Н. ЙЎЛДОШЕВ, Н. ИСМОИЛОВ, Ш. МИРЗИЁЕВ, Ш. СОЛИҲОВ**

# «Ўзбек халқи эришган муваффақиятлари билан фахрланишга ҳамда келажакка ишонч билан қарашга ҳақлидир»

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўйлайманки, ҳар бир сайёҳ маданиятлар алмашувига ҳамда халқларни бир-бирига яқинлаштиришга ўзининг муайян ҳиссасини қўшади. Сайёҳлик одамлар ўртасига кўприк қуради, тинчлик ва дўстликни мустаҳкамлашга кўмаклашади.

Мен БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг "Ипак йўлида сайёҳлик" дастурида республика фаол иштирок этаётганини табриклайман. Бу хорижлик саёҳатчиларнинг, жумладан, немис сайёҳларининг Ўзбекистондаги кўҳна шаҳарлар бағрида жойлашган диққатга сазовор масканларга бўлган қизиқишларини янада орттиришга кўмаклашади.

Сўнгги 25 йил давомида Ўзбекистон тараққиётнинг мустаҳкам пойдеворини қўйди, мамлакатда тинчлик ҳамда осойишталик таъминланмоқда. Ўйлайманки, бу республиканинг мустақиллик йилларидаги энг асосий муваффақияти ҳисобланади. Шу боисдан ҳам ўзбек халқи ўзи эришган муваффақиятлар билан фахрланишга ҳамда келажакка ишонч билан қарашга ҳақлидир.

Мен ушбу фурсатдан фойдаланиб, барча ўзбекистонликларни мустақилликнинг юбилей санаси билан чин дилдан қутлайман. Шу билан бирга, демократик ислоҳотлар ва ўзгаришлар йўлидан бораётган Ўзбекистонни Германия бундан кейин ҳам қўллаб-қувватлашга тайёр эканлигини қайд этишни истар эдим.

**«Жаҳон» АА.**
Берлин

# Интеллектуал салоҳият ва билимлар синови

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Мазкур жараёнлар давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 19 апрелдаги "Ўзбекистон Республикасида ҳарбий таълим тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармойишига асосан ташкил этилаяпти. Тест натижалари эса ҳар йили 15 июлда эълон қилинмоқда. Пировардида ўқишга кириш жараёнида бир оз омади келмаган абитуриентлар ҳужжатларини бошқа олий таълим муассасаларига топшириб, ўз билимларини 1 август куни яна бир карра синаб кўришлари мумкин. Бу ҳам ёшларга берилган улкан имкониятлардан бири ҳисобланади.

Тошкент ахборот технологиялари университетининг Махсус факультетида ҳам тест синовлари бўлиб ўтди. Мазкур олий ҳарбий таълим муассасасида радиокоммуникация ва телекоммуникация тизимлари, ахборот хавфсизлиги ва ахборот технологиялари, махсус алоқа бўлинмалари командирлари тайёрланади. Факультетда эртамиз эгаларининг пухта билим олиши, ўз соҳасининг етук вакили бўлиб шаклланиши учун барча қулайлик муҳайё этилган. Бу йўлда энг сўнгги русумдаги техника ҳамда технологиялар, компьютер ва алоқа воситаларидан унумли фойдаланилаётир. Шулар қаторида электрон кутубхона, "Радиоэлектроника", "Радиоҳаваскорлар", "Ёш дастурчилар", "Авиамоделлар", "Телестудия" каби бир қанча тўгараклар фаолияти, спорт мажмуасидаги шароитлар ҳам эътиборга молик. Тураржой биносидаги хоналар эса шинам ва ёруғ.

Андижон вилоятилик Иззатбек Адҳамов — айнан шу факультетга катта орзу-умидлар билан ҳужжат топширганлардан бири.

— Болалигимдан ҳарбий бўлишни юрагимга туккан эдим, — дейди у. — Шунинг учун тест синовларига астойдил тайёргарлик кўрдим. Билимим қўл келиб, саволларга бемалол жавоб бердим. Мақсадимга эришаман, деган умиддаман. Келажакда мард ўғлонлар қаторида юртимиз тинчлиги ва осойишталиги йўлида сидқидилдан хизмат қилмоқчиман.

Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юртида ташкил этилган тестда ҳам соғлом рақобат яққол сезилди.

— Академик лицейни битириб, мазкур олий ҳарбий таълим муассасасига ўқишга кириш учун имтиҳон топширгандим, — дейди Фурқат Раҳматуллаев. — Аммо синовда омадим келмади. Бу орада муддатли ҳарбий хизматни ўтадим. Кейин эса у ерда шартнома асосида хизматда қолиб, сержантлар тайёрлаш мактабини битирдим. Бугун мазкур олий таълим муассасасига ўқишга кириш учун тест топширдим. "Интилганга толе ёр", деганларидек, мен, албатта, офицерлар сафига қўшиламан.

Давлат тест синовлари Мудофаа вазирлигига тегишли Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти, Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти, Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртида ҳам юқори савияда ўтказилди.

**Саиджон МАХСУМОВ,**
**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

# Кичик бизнес салоҳияти

Қарши шаҳридаги "Темур лидер юксалиш" хусусий корхонасида маҳаллий хом ашёдан шпатлёвка, гипсли сувоқ ва махсус елим ишлаб чиқаришга киришилди.

**ИНТИЛИШ**

— Лойиҳа доирасида маблағимиз ҳисобидан замонавий ускуналар харид қилдик, — дейди корхона раҳбари Наврўз Очилов. — Ҳозир кунига 15 тоннагача ана шундай қурилиш материаллари тайёрлаяпмиз. Бинобарин, улар махсус идишларда қадоқланиб, буюртмачилар ҳамда савдо нуқталарига етказиб берилаяпти. Келгусида модернизациялаш ишларини изчил давом эттириб, лок-бўёқ ва плиталар ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчимиз.

Таъкидлаш жоизки, вилоятда кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида тижорат банклари томонидан кейинги саккиз йил мобайнида 2 триллион 645 миллиард сўмлик кредит маблағлари ажратилиши натижасида соҳанинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 2000 йилдаги 25,8 фоиздан 51,6 фоизга етди.

**Аҳад МУҲАММАДИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Юксак марраларни кўзлаган авлод

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Шу кунга қадар мамлакатимизнинг 7 та вилоятида бўлиб, ёшлар билан мулоқот қилдик, — дейди Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги бўлим бошлиғи Жамолиддин Узоқов. — Уларда 800 минг нафардан ортиқ йигит-қиз бевосита иштирок этган бўлса, 5 миллион 200 минг нафар юртдошимиз учрашувларни интернет орқали кузатиб борди.

Акция давомида Андижон вилоятининг 16 та шаҳар ҳамда туманида учрашув ва давра суҳбатлари ўтказилиши режалаштирилган. Ўн беш гуруҳга бириктирилган тарғиботчилар жорий йилнинг 16 июлига қадар 200 га яқин тадбирда қатнашади.

**Саминжон ҲУСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Ёш тадбиркорлар форуми

Наманган шаҳрида "Ёшлар тадбиркорлигини ривожлантиришнинг долзарб масалалари" II Республика ёш тадбиркорлар бизнес форуми вилоят босқичи бўлиб ўтди.

**ТАНЛОВ**

Навқирон авлод вакилларида ишбилармонлик кўникмаларини шакллантириш, уларнинг бизнес ғояларини қўллаб-қувватлаш мақсадида ўтказилаётган мазкур тадбирнинг Наманганда ташкил этилган саралаш босқичларида 500 нафардан зиёд йигит-қиз қатнашди. Улар орасидан танлаб олинган 120 нафар ёш форумнинг вилоят босқичи доирасида ўтказилган давра суҳбатига таклиф қилинди. Бир қатор давлат ва нодавлат ташкилотлари вакиллари иштирок этган йиғилиш давомида мамлакатимизда тадбиркорлик соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар ҳамда истиқболдаги вазифаларга эътибор қаратилиб, ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий масалалар ечимидаги ўрни, давлат органлари билан ҳамкорлик, лойиҳаларнинг самарадорлиги ва манзиллилигини ошириш юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

Якунда 10 нафар ёш ишбилармонга бизнес-форумнинг республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини берувчи йўлланма топширилди.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Эпизоотик барқарорлик сақланмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Хусусан, жорий йилнинг ўтган даврида Қрим-Конго геморрагик иситма касаллигининг келиб чиқишига йўл қўймаслик мақсадида 230 мингга яқин чорвачилик объектлари дезинсекция ва дезинфекция қилиниб, чорва молларидан 24 миллиондан ортиғи профилактик чўмилтирилган бўлса, 30 миллион боши куйдирги, 6 миллион 182 минг боши оқсим касалликларига қарши эмланди.

Таъкидлаш керакки, юртимиз бозорлари, кушхона, сўйиш майдончалари, гўшт дўконлари ҳамда бошқа жойларда чорва моллар миграцияси устидан давлат ветеринария назорати янада кучайтирилгани куйдирги, оқсим ва бошқа турдаги хавфли касалликлар четдан кириб келиши ҳамда тарқалишига мустаҳкам ғов бўлмоқда. Бу жараёнда, шунингдек, қўшни давлатлардан чорвачилик маҳсулотлари ва ҳайвонларни мамлакатимизга киритиш борасида баъзи чекловлар ўрнатилгани айни муддао бўлмоқда. Натижада юқумли касалликлар қайд этилган давлатлардан рухсатномасиз экзотик қушлар, тухум, гўшт-сут ҳамда улардан тайёрланган маҳсулотлар республикамиз ҳудудига олиб кирилишининг олди олинаяпти.

Юртимизда кейинги йилларда ветеринария хизматини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиб, давлат ветеринария хизматлари замонавий асбоб-ускуналар, совиткич, микроскоп ва бошқа зарур воситалар билан таъминланмоқда. Бу, ўз навбатида, хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, юқумли касалликларга тезкор ташхис қўйиш имконини бераётир.

Шуни ёдда тутиш керакки, ҳар бир касалликнинг эмлаш даври ҳамда тартиби бор. Мисол учун, чорва моллари ва ҳайвонлар оқсим касаллигининг олдини олиш учун ҳар олти ойда, қутуриш ва бруцеллёз касаллигига қарши эса бир йилда бир марта эмланиши зарур. Республикамизда ана шу масалалар доимий эътиборда эканлиги туфайли кўнгилсиз ҳолатларга йўл қўйилмаяпти.

Айни пайтда жойларда эпизоотияга қарши олиб борилаётган тадбирларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида Давлат ветеринария бош бошқармаси томонидан минг дона пуркагич, тўрт юз дона эмламаларни олиб юриш учун махсус термосумка, юздан ортиқ мотоцикллар харид қилиниб, қишлоқ жойлардаги ветеринария хизмати кўрсатиш нуқталарига етказиб берилганини алоҳида қайд этиш жоиз. Шунингдек, республика, вилоят ва туманлар бўйича штаблар тузилиб, чорва молларини профилактик эмлаш, ташхислаш, даволаш, чўмилтириш, чорвачилик объектларини дезинсекция, дератизация ва дезинфекциялаш тадбирларининг таҳлили олиб борилаяпти, аҳоли орасида ҳайвонларнинг хавфли юқумли касалликлари келиб чиқишининг олдини олишга қаратилган семинарлар уюштирилмоқда. Қолаверса, барча тоифадаги хўжаликларда эҳтиёткорликни янада ошириш, юқумли касалликларда гумон қилинган чорва молларини алоҳида сақлаш учун махсус жойлар ташкил этилган. Эҳтиёт шарт сифатида чўл зоналарида керакли кийим-кечак, асбоб-анжомлар билан таъминланган эпизоотияга қарши отрядлар фаолият юритаяпти.

Буларнинг барчаси юртимизда эпизоотик барқарорликни сақлашда ҳал қилувчи омил бўлмоқда.

**Салоҳиддин ҲАСАНОВ,**
**Эпизоотик отрядлари бўлган республика экспедицияси бошлиғи.**



Касбий таълим:

# АНИҚ МАҚСАД, ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВ, САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Мустақилликка эришилгач, инсон ва унинг манфаатлари олий қадрият даражасига кўтарилиб, бу йўлда олиб борилган туб ислоҳотлар туфайли ана шу таназзулнинг оқибат ҳамда асоратлари барҳам топа бошлади. Машҳур беш тамойилга асосланган тараққиётнинг миллий модели барча соҳадаги ўзгаришу янгиланишларга замин яратди. Хусусан, кучли ижтимоий сиёсатнинг туб негизи ҳисобланган бандлик соҳасининг ҳуқуқий ва институционал инфратузилмаси такомиллаштирилди. Жамиятнинг ишсиз қатлами, биринчи навбатда, ёшларга меҳнат қилиб, даромад топиши учун кўмаклашиш, касб-ҳунар ўргатиш ҳамда малакасини ошириш, бандлик соҳасида қонунчилик талабларига риоя этилишини назорат қилиш чора-тадбирлари кучайтирилди. Ушбу йўналишда ривожланган давлатларнинг илғор тажрибалари ўрганилди, халқаро ҳамкорлик мустаҳкамланди. Муҳими, мамлакатимиздаги барқарор иқтисодий ривожланиш тенденцияси аҳолининг, айниқса, ёшларнинг бандлик даражаси ошиши учун объектив имкониятлар яратилишини ва такомиллашувини таъминлади.

Таъкидлаш жоизки, меҳнатга лаёқатли ёшдаги фуқаролар юртимиз аҳолисининг 62 фоизини ташкил этади. Ҳар йили юз минглаб йигит-қизларнинг меҳнат бозорига кириб келаётганини назарда тутсак, бандликни тўлиқ таъминлаш доимий долзарб масала экани ойдинлашади. Республикамизда мазкур масалага комплекс ёндашув асосида жиддий эътибор қаратилиб, парламентимиз томонидан қабул қилинадиган махсус дастур доирасида аниқ манзилли ишлар амалга оширилаяпти. Бунинг самарасини ёшларни, аввало, ўрта махсус, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлаш, меҳнат бозорида талаб юқори бўлган мутахассисликларга ишсиз йигит-қизларни “Устоз — шогирд” усули билан касбий тайёрлаш ҳамда қайта тайёрлаш, иш кучига талаб ва таклифни ўзаро мувофиқлаштириш борасида қўлга киритилаётган залворли натижаларда яққол кўриш мумкин.

Маълумотларга кўра, 2014/2015 ўқув йилида юртимиздаги касб-ҳунар коллежларини битирган 482,6 минг нафар ёш мутахассиснинг 93,2 фоизи бандлиги таъминланган.

Битирувчиларни ишга жойлаштиришда тўрт томонлама шартнома асосида йўлга қўйилган самарадор тизимдан ташқари, жойларда мунтазам ўтказиб келинаётган бўш иш ўринлари ярмаркалари, ёшларни кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликка жалб этиш саъй-ҳаракатлари ҳам ҳал қилувчи омил бўлаётир. Шунинг баробарида, тез ўзгарувчан бозор конъюнктураси шароитида битирувчиларни меҳнат бозорида талаб ортаётган мутахассисликлар бўйича касб-ҳунарга қайта ўқитиш ва малакасини ошириш ишлари изчил давом эттирилаяпти.

Умуман олганда, туман ҳамда шаҳарларимиздаги бандликка кўмаклашиш марказлари томонидан ҳудудлардаги муайян корхона ва ташкилотлар буюртмалари асосида ҳар йили 10 — 15 мингга яқин иш билан банд бўлмаган навқирон авлод вакиллари касб-ҳунарга қайта ўқитилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги томонидан Корея Республикаси халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) билан ҳамкорликда Тошкент шаҳрида Касб-ҳунарга ўқитиш маркази ташкил этилганини айни мақсад сари қўйилган муҳим қадамлардан бири, дейиш мумкин.

“Ўзбекистонда касб-ҳунарга ўқитиш имкониятларини кенгайтириш” лойиҳаси доирасида 2012 йилда фаолиятини бошлаган мазкур марказда ҳар йили турли ёшдаги етти юзга яқин ишсиз фуқаро касб-ҳунар эгаллаяпти. Хусусан, ҳудудлардаги бандликка кўмаклашиш марказлари йўлланмаси билан бепул ўқиётганларнинг асосий қисми ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини битирган йигит-қизлардан иборатдир.



Суратлар «Халқ сўзи» фотожамламасидан олинди.

Ўтган даврда марказда икки минг нафардан зиёд ёшларга касбий таълим берилди. Эътиборлиси, битирувчиларнинг барчаси ҳозирги кунда ўзининг муқим иш жойига эга. Улар мамлакатимизнинг “Ўзавтосаноат” “Ўзэлтехсаноат”, “Ўзтелеком”, “GM Powertrain Uzbekistan”, “Ўзбекистон металлургия комбинати” каби йирик ишлаб чиқариш қувватларида, хусусий сектор субъектларида меҳнат қилаяпти, ҳатто шу ерда олган билиму тажрибасига таяниб, хизмат кўрсатиш соҳасида ўз бизнесини ташкил этганлар ҳам бор.

360 ўринга мўлжалланган, назария ҳамда амалиётни уйғун ва юқори савияда олиб бориш учун барча қулайлик яратилган марказга юксак салоҳиятли ўқитувчилар ҳамда ишлаб чиқариш усталари, KOICA агентлигидан кўнгилли мутахассислар бириктирилган. Бу ерда меҳнат бозорининг талабларини ўрганган ҳолда, машинасозлик ишлаб чиқариш технологиялари, электроника ва электротехника, автомобилларни таъмирлаш ҳамда уларга техник хизмат кўрсатиш, ахборот технологиялари ва тизимлари йўналишларида кадрлар тайёрланаяпти. Марказ кўмагида ўз лаёқати ҳамда салоҳиятини юзага чиқариб, ривожлантирган ва ишлаб, оиласига, жамиятга наф келтираётган бундай ёшларнинг сафи йил сайин кенгайиб бораётгани янада қувонарлидир.

Мамнуният билан айтиш кеpакки, ўтган қисқа даврда ўзини оқлаган бу лойиҳага кўра, эндиликда Самарқанд, Шаҳрисабз, Қўқон ҳамда Урганч шаҳарларида ҳам касб-ҳунарга ўқитиш марказларини барпо қилиш мўлжалланмоқда.

Энг улуғ, энг азиз айём — давлатимиз мустақиллигининг йигирма беш йиллигини муносиб нишонлашга қизғин тайёргарлик кўрилаётган шу кунларда Самарқанд шаҳрининг марказий кўчаларидан бирида замонавий архитектура меъёрларига жавоб берувчи янги объект бунёд этилмоқда. Касб-ҳунарга ўқитиш маркази сифатида фойдаланишга топшириладиган ушбу иншоотнинг маъмурий, ўқув-лаборатория бинолари, 60 ўринли ётоқхона ва бошқа ёрдамчи бинолари қуриб битказилди. Айни чоғда бу ерда ободонлаштириш ҳамда коммуникация тармоқларини ўрнатиш ишлари якунига етиб қолган.

Мустақиллик байрами кунларида иш бошлайдиган ушбу марказда ишсиз ва вақтинча банд бўлмаган фуқаролар замонавий касбларга қайта ўқитилади. Шунингдек, меҳнат бозорида талаб юқори мутахассисликлар бўйича корхоналар билан тузилган шартномалар асосида ўқув курслари ҳам ташкиллаштирилади.

Касбий таълим марказининг ўзига хослиги шундаки, белгиланган йўналишлар бўйича жаҳон тажрибасини инобатга олган ҳолда, давлат таълим стандартлари асосида бутунлай янги ўқув режа ҳамда дастурлари тайёрланаяпти. Корея Республикасининг етакчи университетлари профессорларидан иборат экспертлар иштирокида ўқув марказига малакали ўқитувчиларни ишга қабул қилиш бўйича танлов ўтказилгани, Самарқанд шаҳридаги олий ва ўрта махсус таълим муассасалари ўқитувчилари орасидан танлаб олинган номзодлар Жанубий Кореядаги Таълим ва технологиялар университетида малака ошираётгани эътирофга молик яна бир жиҳатдир.

Бу марказнинг очилиши самарқандликлар, айниқса, шу кўҳна замин ёшлари учун чинакам байрам туҳфаси бўлиши шубҳасиз, албатта.

Халқаро меҳнат ташкилоти маълумотларига кўра, 2013 йилда жаҳонда 15 ёшдан 24 ёшгача бўлган 74,5 миллион йигит-қизлар ишсиз бўлган ва 2018 йилгача ёшлар ўртасидаги глобал ишсизлик даражаси янада ошиши кутилмоқда. Иқтисодий ҳамкорлик ҳамда тараққиёт ташкилоти бу ҳолатни ёшлар ўртасидаги инқироз, деб атаётир.

Мана шундай мураккаб бир шароитда диёримизда ёшларга оид давлат сиёсатининг изчил олиб борилаётгани, йигит-қизларни иш билан таъминлаш, уларнинг салоҳиятини юксалтириш ушбу сиёсатнинг муҳим ажралмас қисми экани ва бу борадаги ислоҳотлар ижтимоий соҳадаги марраю ютуқларимизнинг мустаҳкам пойдевори бўлаётгани барчамизга чексиз ғурур бағишлайди. Пировардида эртанги кунимиз таянчи ҳамда суянчи саналмиш навқирон авлод, чиндан ҳам, ҳеч кимдан кам бўлмай камолга етаяпти. Президентимиз таъбири билан айтганда, айни шундай ёшларни, айтиш мумкинки, ҳал қилувчи куч сифатида тайёрлаш устувор вазифа сифатида кун тартибига қўйилгани вақт ўтиши билан нақадар узоқни кўзлаган тарихий қадам бўлгани тобора аёнлашмоқда.

**Х**улоса ўрнида айтганда, истиқлол йилларида мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий йўналтирилган сиёсат фуқароларни ишсизликдан муҳофаза этиш чоралари кучайтирилганида, оилалар фаровонлиги ўсиб бораётганида, жамиятдаги манфаатлар тенглигида, хусусан, ёшларимизнинг иқтисодий фаоллигида ўз ифодасини топаяпти. Бандлик соҳасида тўпланган миллий тажриба, кузатилаётган ижобий анъаналар ва самарали ҳамкорликка асосланган ташаббуслар ҳар бир шахснинг эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ҳамда қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқини кафолатлашга хизмат қилаётир. Салмоғи тобора ортиб бораётган бундай муваффақиятлар, меҳнат бозоридаги барқарорлик “Ислоҳот — ислоҳот учун эмас, аввало, инсон учун” тамойилининг ҳаётбахшлигини яна бир карра тасдиқлайди.

**Эркин АВЕЗОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги Банд бўлмаган аҳолини ишга жойлаштириш ва қайта ўқитишни ташкиллаштириш бошқармаси бошлиғи.**

## ЭЪТИРОФ

**Гай Райдер,**
**Халқаро меҳнат ташкилоти бош директори:**

— Ўзбекистон Халқаро меҳнат ташкилоти билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик ўрнатиб келмоқда. Мамлакат аҳоли бандлигини таъминлашда очиқликни, айни соҳада ратификация қилинган халқаро конвенцияларда белгиланган мажбуриятларни юқори даражада адо эта олиш салоҳиятини жаҳон ҳамжамиятига намойиш қилаяпти. Республикада бу борада амалга оширилган ишларни кўпгина давлатларга ибрат сифатида кўрсатиш мумкин.

**Ли Ги Квон,**
**Корея Республикаси меҳнат ва бандлик вазири:**

— Ўзбекистон Жанубий Кореянинг стратегик ҳамкорларидан ҳисобланади. Ушбу ҳамкорлик доирасида ижтимоий-иқтисодий соҳаларда қатор йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда. Хусусан, Тошкент шаҳрида Касб-ҳунарга ўқитиш марказининг ташкил этилгани алоҳида диққатга сазовор. Зотан, мазкур лойиҳани ҳаётга татбиқ қилишда қисқа муддатда юқори натижаларга эришилгани, марказда таҳсил олган йигит-қизлар ўқишни тамомлаганидан сўнг иш билан таъминланаётгани эътибор лойиқдир. Бу эса ҳамкорликдаги лойиҳамиз самарадорлигидан далолат беради. Қувонарлиси, яқин истиқболда бундай марказлар Ўзбекистоннинг бетакрор шаҳарларидан бири — Самарқандда, шунингдек, яна учта ҳудудда ташкил этилиши юртингизда касбий таълимнинг тез суръатда ривожланишига хизмат қилади.

ЭЪЛОНЛАР

«AUTO GARANT BUSINESS» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

**2016 йил 12 август куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига қуйидаги авто-мототранспорт воситалари қўйилмоқда:**

*Тошкент вилояти Оққўрғон тумани СИБ томонидан:*

**1.** 2015 йил 9 ноябрдаги 24849-сонли ижро варақасига асосан хатланган, давлат рақами EP 58-20 бўлган, «Т-25» русумли, техник соз ҳолда.

***Бошланғич баҳоси — 983 834 сўм.***

**2.** ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2015 йил 9 мартдаги 1-95-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1977 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 К 7857 бўлган, «ГАЗ-24» русумли, техник носоз ҳолда.

***Бошланғич баҳоси — 893 700 сўм.***

**3.** ЖИБ Оққўрғон тумани судининг 2015 йил 18 августдаги 1-277-сонли ижро варақасига асосан хатланган, ишлаб чиқарилган йили номаълум, давлат рақами 10 F 891 KA бўлган, «ВАЗ-2101» русумли.

***Бошланғич баҳоси —2 159 000 сўм.***

**4.** ЖИБ Оққўрғон тумани судининг 2015 йил 17 августдаги 1-275-сонли ижро варақасига асосан хатланган, ишлаб чиқарилган йили номаълум, давлат рақами 10 N 851 AA бўлган, «Москвич» русумли, техник носоз ҳолда.

***Бошланғич баҳоси — 1 072 000 сўм.***

Тошкент вилояти Оҳангарон тумани СИБ томонидан Тошкент вилояти хўжалик судининг 2013 йил 14 июндаги 11-1335/4814-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2008 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 15-94 ЕЦ бўлган, «Класс-Доминатор» русумли комбайн.

***Бошланғич баҳоси — 146 000 000 сўм.***

**Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳар СИБ томонидан:**

**1.** ЖИБ Чирчиқ шаҳар судининг 2015 йил 1 декабрдаги 1-284/16-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2007 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 E 244 DA бўлган, «Нексия» русумли.

***Бошланғич баҳоси — 27 662 472 сўм.***

**2.** Тошкент вилояти хўжалик судининг 2014 йил 5 сентябрдаги 11-1408/7634-сонли, 2014 йил 22 сентябрдаги 11-1434/9165-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, 1997 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 698 VAA бўлган, «Супер Салон» русумли.

***Бошланғич баҳоси — 20 048 000 сўм.***

*Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳар СИБ томонидан Тошкент вилояти хўжалик судининг 2015 йил 17 декабрдаги 11-1506/15640-сонли, 2016 йил 26 февралдаги 1632/7570-сонли, 2016 йил 5 мартдаги 1602/1262-сонли, 2016 йил 18 апрелдаги 1632/3172-сонли ижро варақаларига асосан хатланган:*

**1.** 1984 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 879 LAA бўлган, «УАЗ-452Д» русумли.

***Бошланғич баҳоси — 9 645 000 сўм.***

**2.** 1986 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 875 LAA бўлган, «ГАЗ-5201» русумли.

***Бошланғич баҳоси — 12 920 000 сўм.***

**3.** 1986 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 865 LAA бўлган, «ГАЗ-53АЦ46» русумли.

***Бошланғич баҳоси — 17 523 000 сўм.***

**4.** 1991 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 315 AA бўлган, «Днепр-11» русумли мотоцикл.

***Бошланғич баҳоси — 2 854 000 сўм.***

**5.** 1981 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 876 LAA бўлган, «КамАЗ-5410» русумли.

***Бошланғич баҳоси — 29 341 000 сўм.***

**6.** 1988 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 873 LAA бўлган, «МАЗ-5335» русумли.

***Бошланғич баҳоси — 25 457 000 сўм.***

**7.** 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 871 LAA бўлган, «ММЗ-4502» русумли.

***Бошланғич баҳоси — 29 897 000 сўм.***

**8.** 1995 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 870 LAA бўлган, «ГБА СПГ ГАЗ-31029» русумли.

***Бошланғич баҳоси — 15 574 000 сўм.***

**9.** 1980 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 872 LAA бўлган, «ГАЗ-5204» русумли.

***Бошланғич баҳоси — 16 117 000 сўм.***

Шунингдек, 2016 йил 29 июлда бўлиб ўтадиган аукцион савдосига қуйидаги автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда.

**Оққўрғон тумани СИБ томонидан ЖИБ Миробод тумани судининг 2014 йил 2 июндаги 1-100-сонли ижро варақасига асосан хатланган:**

**1.** Ишлаб чиқарилган йили номаълум, давлат рақами 10 C 4525 бўлган, «ГАЗ-53» русумли.

***Бошланғич баҳоси — 8 081 370 сўм.***

**2.** 1981 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 A 883 HA бўлган, «Москвич- 412» русумли.

***Бошланғич баҳоси — 477 900 сўм.***

**3.** ЖИБ Оққўрғон тумани судининг 2014 йил 14 майдаги 1-201-сонли ижро варақасига асосан хатланган, ишлаб чиқарилган йили номаълум, давлат рақами 10 O 908 EA бўлган, «Дамас» русумли.

***Бошланғич баҳоси — 9 596 997,76 сўм.***

Аукцион савдолари Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уйда бўлиб ўтади.

Юқоридаги автомототранспорт воситалари билан тегишли туман (шаҳар) суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ҳамда савдолар бошланишига бир иш куни қолганда соат 16.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир автомототранспорт воситаси учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «Avto garant business» МЧЖнинг АТБ «Asia alliance bank» Мирзо Улуғбек тумани филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари лозим: 20208000904887305001, МФО: 01103, СТИР: 301829604.

Аукцион ғолиби сотиб олган автомототранспорт воситаси қийматини 5 банк куни мобайнида тўлиқ тўлаши шарт.

1025А/370

**Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй. Телефон: (0-371) 233-61-44.**

Гувоҳнома № 004593.

«REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!***

Аукцион савдосига Акциядорлик тижорат Халқ банки Юнусобод филиалининг 2016 йил 4 июлдаги 09/141-сонли буюртманомасига асосан, АТ Халқ банки тасарруфидаги, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Марказ-6, 90-уйда жойлашган, умумий майдони 454 кв. м.дан иборат бўлган (9 қаватли бинонинг 1-қавати бир қисми) Юнусобод филиали амалиёт бўлимининг биноси такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 2 700 000 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2016 йил 28 июль куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уйда бўлиб ўтади.

Юқоридаги кўчмас мулк 2016 йил 28 июль куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2016 йил 4, 11, 18, 25 август кунлари соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагини билдирган талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Realtor garant business» МЧЖнинг ХАТБ «Universalbank» Тошкент шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари лозим: 20208000904936050003, МФО: 00996, СТИР: 207125885.

Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосидан бир иш куни олдин тўхтатилади.

Савдо ғолибига аукцион савдоси натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 5 кун мобайнида сотувчи билан олди-сотди шартномаси имзолаш мажбурияти юклатилади. Кўчмас мулк учун тўловларни амалга ошириш муддати олди-сотди шартномасида сотувчи томонидан белгиланади.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй. Телефон: (0-371) 233-09-38.**

1023А/366

Хизматлар лицензияланган.

# САНОАТИ ТАРАҚҚИЙ ТОПГАН ЮРТ



Суратлар «Халқ сўзи» фотожамламасидан олинди.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Президентимизнинг куюнчаклик билан айтган қуйидаги сўзлари ўша пайтдаги аянчли вазият ҳақида яққол тасаввур уйғотади кишида: "Пахтани ўзимиз етиштирар эдигу лекин унинг нархи амалда қанча эканини билмас эдик. Уни фақат хом ашё сифатида билардик, холос. Қайта ишланган пахта собиқ Марказга кетар, уни четга сотиш билан ҳам фақат Марказ шуғулланар эди".

Бугун-чи? Давлатимиз томонидан мазкур тизимни ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор туфайли у мустақиллик йилларида сифат жиҳатидан бутунлай юқори босқичга чиқди. Бу жараёнда, айтиш мумкинки, соҳага ички инвестициялардан ташқари, катта миқдордаги хорижий сармоялар жалб қилиниб, йирик лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилаётгани муҳим омил бўлди. Зеро, кейинги йилларда чет эллик сармоядорлар иштирокида замонавий ускуналар билан жиҳозланган кўплаб тўқувчилик ҳамда тикувчилик корхоналари ишга туширилди.

Эътибор беринг-а, мустақиллик йилларида хорижнинг 2,5 миллиард АҚШ долларидан зиёд инвестицияси ўзлаштирилиб, 200 дан ортиқ лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилди. Улар Буюк Британия, Германия, Швейцария, Италия, Жанубий Корея, Япония, Сингапур, Ҳиндистон каби давлатлар инвесторлари билан биргаликда амалга оширилгани Ўзбекистоннинг ишончли иқтисодий ҳамкор сифатида тан олинганининг амалий тасдиғидир. Натижада енгил саноат мамлакатимиз иқтисодиётининг етакчи тармоқларидан бирига айланди. Ҳозирги кунга келиб, заминимизда етиштирилаётган пахта хом ашёсини қайта ишлаш ҳажми истиқлолнинг дастлабки йилларидагига нисбатан 7 баробар ортиб, 50 фоизга етказилгани бунинг яққол далилидир.

## Импортдан экспортга

Яқин ўтмишда Ўзбекистон катта ҳажмда муҳим саноат хом ашёси — пахта толаси етиштириб берса-да, оддий газлама учун ҳам Марказга кўз тикиб ўтирардик. Дўконларга четдан кийим-кечак келадиган бўлса, унинг эшиги яқинига йўлаб бўлмас, рўзғор учун зарур гилам ёки мебель харид қилиш учун эса ойлаб навбат кутишга тўғри келар эди.

Мустақилликка эришилгач, давлатимиз раҳбари томонидан хом ашёни чуқур қайта ишлаш, қўшимча қийматга эга маҳсулотлар тайёрлашни йўлга қўйиш, хорижга тайёр ва яримтайёр маҳсулотларни сотиш устувор вазифалардан бири этиб белгиланди.

Юртбошимиз бу ҳақда тўхталиб, жумладан, шундай деган эди: "Биз бу оғир меросдан халос бўлиш учун бугунги кунда фақат хом ашё эмас, аввало, шу хом ашёдан ишлаб чиқариладиган тайёр маҳсулотни хорижга сотиш ва шунинг ҳисобидан, биринчидан, мамлакатимизнинг ялпи ички маҳсулотини кўпайтириш, бунинг натижасида эса катта даромад топиш, иккинчидан, ўз юртимизда, ўз Ватанимизда янги иш жойларини ташкил қилиш, ишсизликни кескин камайтириш муаммосини ечишга эриша оламиз.

Агар биз мана шундай замонавий, юксак технологиялар, энг илғор дастгоҳ ва ускуналар билан жиҳозланган корхоналарни қуриб, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга эришсак, ҳисоб-китоблар шуни кўрсатадики, фақатгина пахта хом ашёсидан оладиган соф фойда миқдорини етти-саккиз карра кўпайтириш ва хазинамизни экспорт ҳисобидан қаттиқ валюта билан тўлдириш, ҳаётимизни янада тўқ ва фаровон қилиш имкониятига эга бўламиз.

Бир сўз билан айтганда, енгил саноатимизни, шу жумладан, пахта толасини қайта ишлаш корхоналарини тез суръатлар билан ривожлантириш бизнинг устувор стратегик мақсадларимизни ташкил қилади".

Ана шу тамойиллар асосида чора-тадбирлар кўрилиб, ҳар йили ўнлаб замонавий қувватлар ишга туширилаяпти. Фақатгина охирги 3 йилда умумий қиймати 575 миллион АҚШ долларилик, экспорт салоҳияти эса 216 миллион АҚШ долларилик 92 та саноат корхонаси фойдаланишга топширилгани бунга яққол мисол бўла олади.

Бу каби таркибий ўзгаришлар самараси ўлароқ, бугун бозорларимизда газламадан тортиб, қишки кийимларгача тўлиб ётибди. Юртдошларимиз уларни танлаб, ўзларига маъқул бичим ҳамда моделдагисини харид қилишади. Тайёрланаётган маҳсулотларга ортиб бораётган талаб ва эҳтиёжга мувофиқ, ишлаб чиқариш ҳажми йил сайин кўпайтирилаяпти. Мисол учун, "Ўзбекенгилсаноат" акциядорлик жамияти тасарруфидаги корхоналар йилига 450 минг тонна калава ип, 176 миллион погон метр газлама, 90 минг тонна трикотаж мато, 260 миллион донадан зиёд тикувчилик-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга.

Юртимизда тайёрланаётган енгил саноат маҳсулотларига хорижда ҳам талаб катта эканлиги, айниқса, қувонарлидир. Чунки ўзбек пахта толасидан ишлаб чиқарилаётган халқ истеъмоли моллари ўзининг табиийлиги, юқори сифати билан ажралиб туради. Шу боис дунё бозорида унга эҳтиёж глобал инқироз даврида ҳам айтарли даражада пасаймади. Аксинча, экспорт ҳажми йил сайин ортиб, истиқлол йилларида 140 баробар ўсди. Бугунги кунда эркаклар, аёллар ва болаларнинг турфа хилдаги либослари, спорт кийимлари, шунингдек, яримтайёр маҳсулотлар "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" бренди билан дунёнинг 50 дан зиёд мамлакатларига етказиб берилаяпти.

Умуман олганда, 2015 йил якунлари бўйича экспорт ҳажми 1,1 миллиард АҚШ долларидан ошди. Маҳсулотларимизни харид қилувчи давлатлар сафига МДҲ ҳамда Европа Иттифоқи мамлакатлари, Лотин Америкаси давлатлари, АҚШ, Жанубий Корея, Хитой Халқ Республикаси, Сингапур, Эрон ва Исроилдан ташқари, Покистон, Грузия, Хорватия, Нигерия каби мамлакатлар ҳам қўшилгани алоҳида эътиборга моликдир.

Янги савдо йўлакларининг очилишида бозор талаби чуқур ўрганилган ҳолда, янги маҳсулотлар тайёрлаш ўзлаштирилаётгани яна бир муҳим омил бўлмоқда. Хусусан, 2016 йилнинг биринчи ярмида 300 та янги турдаги ҳамда 468 та янги ассортиментдаги маҳсулотларни тайёрлаш йўлга қўйилгани ана шу саъй-ҳаракатлар самарасидир. Габардин ва вафель газламалар, сиртига рақамли усулда тасвир туширилган ҳар хил матолар, костюмлар, катталар ҳамда болалар учун шимлар, сочиқлар ва халатлар, чойшаблар, уй-рўзғор тикувчилик буюмлари ана шулар жумласидандир. Уларнинг дастлабки партиялари ҳам экспорт қилина бошлангани эса ташқи бозорда бемалол рақобатга киришa олаётганидан далолат беради.

Истеъмолчилар талабини ўрганиш, экспорт жуғрофиясини кенгайтириш мақсадида жорий йилнинг ўтган 5 ойида "Узтекс", "Осборн текстиль", "Текстиль Милл Тошкент", "Бофанда", "Орзу текс", "Аиша Хоум текстиль", "Пластекс", "Барчиной", "Нил-Гранит", "Бирюза групп" сингари 90 та енгил саноат корхонаси Германия, Хитой Халқ Республикаси, Жанубий Корея, Россия Федерацияси ҳамда Латвия сингари давлатларда ўтказилган халқаро тўқимачилик кўргазмаларида қатнашиб, умумий қиймати 200 миллион АҚШ долларилик экспорт шартномаларини имзолашга муваффақ бўлди. Шулардан келиб чиқиб, жорий йил якунигача ташқи бозорга умумий қиймати 1,1 миллиард АҚШ долларилик тўқимачилик, тикувчилик-трикотаж маҳсулотларини чиқариш кутилаяпти.

### Маҳсулотлар экспорти географияси




## Инвестиция ва манзилли дастурлар

Ишлаб чиқариш кўлами ва экспорт кўрсаткичларининг йил сайин ортишида, айниқса, янги қувватларнинг ҳиссаси катта бўлаётир. Эътиборлиси, улар инвестиция ҳамда манзилли дастурларга биноан, юртимизнинг олис ҳудудларида ишга туширилмоқда. Биргина 2015 йилда ушбу дастурларга киритилган лойиҳалар бўйича 180 миллион АҚШ долларилик инвестициялар ўзлаштирилиб, уларнинг ижросига киришилди.

"Ўзбекенгилсаноат" акциядорлик жамияти томонидан жорий йилда умумий қиймати 277,7 миллион долларлик яна 32 та лойиҳа амалга оширилиши белгиланган бўлиб, уларни ўз муддатида фойдаланишга топшириш чора-тадбирлари кўрилаяпти. Бунинг эвазига экспорт салоҳияти 130,6 миллион долларга ошиб, 5 минг 440 та иш ўрни яратилади. Мазкур замонавий ишлаб чиқариш субъектларининг аксарияти чет эл сармояси иштирокида бунёд этилаётгани таҳсинга лойиқ.

Маълумки, хориж инвестицияси иқтисодиёти ривожланаётган, тадбиркорлик ҳаракати давлат томонидан қўллаб-қувватланаётган, ишбилармонлар манфаатлари миллий қонунчиликда ўз аксини топган давлатларгагина йўналтирилади. Ўзбекистонда ана шундай шарт-шароит — қулай инвестициявий муҳитнинг мавжудлиги дунё тўқимачилик саноати етакчиларини ўзига жалб қилаяпти. Натижада "ДЭУ интернейшнл", "Young One Corporation", "Кайтек", "TMS.Co", "Даишин текстиль", "Шиндонг Энерком", "Байтекс тижарет", "Бо групп", "Алким текстиль", "Вайрекс", "Осборн трейдинг", "Сантекс Иплик", "Ритер", "Indorama Industries Pte.Ltd", "Verigrow Pte.Ltd" ва "Тойота Цусё" каби жаҳонга машҳур компаниялар ҳамда молиявий тузилмалар ҳамкорлигида пахта хом ашёсини чуқур қайта ишловчи юзлаб қўшма ва хорижий корхоналарга асос солинди. Уларнинг аксарияти, аниқроғи, 280 та корхонада тайёрланаётган маҳсулотларнинг асосий қисми хорижлик буюртмачиларга етказиб берилаётгани Ўзбекистон тўқимачилик ҳамда енгил саноатидаги жадал ривожланиш суръатларини яққол намоён этмоқда.

Бу борадаги ишлар кўлами келгусида янада кенгаяди. Чунки Президентимизнинг 2015 йил 4 мартдаги "2015 — 2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизациялаш ва диверсификациялашни таъминлаш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги Фармони билан тасдиқланган дастур хорижлик инвесторларда катта қизиқиш уйғотаётир.

Гап шундаки, унинг доирасида беш йил мобайнида умумий қиймати 918 миллион АҚШ долларилик 80 га яқин инвестициявий лойиҳалар рўёбга чиқарилиши кўзда тутилган. Бу, ўз навбатида, енгил саноатда экспорт ҳажмини 1,8 баробар оширишга мустаҳкам замин ҳозирлайди.

## Янги тармоқ истиқболи

Қайси соҳа бўлмасин, ҳеч шубҳасиз, унинг истиқболини замонавий технологиялар, юқори унумли ускуналарсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Айниқса, тўқимачилик саноатида корхоналарни мунтазам равишда техник ҳамда технологик жиҳатдан модернизация этмасдан туриб, жаҳон бозорига рақобатдош маҳсулот чиқаришнинг иложи йўқ.

Юртимизда масаланинг ана шу жиҳати инобатга олиниб, тўқимачилик машинасозлигини ривожлантиришга устувор вазифалардан бири сифатида қаралаётир. Президентимизнинг 2011 йил 21 февралдаги замонавий тўқимачилик асбоб-ускуналари ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш бўйича чора-тадбирларга доир қарори бунда дастуриламал бўлмоқда.

Тошкент шаҳридаги "Rieter Uzbekistan" корхонасининг ташкил қилинишида мазкур ҳужжат ҳуқуқий асос бўлди. Ушбу йирик лойиҳа Швейцариянинг жаҳон бозорида тўқимачилик машиналари ва асбоб-ускуналари етказиб берувчи "Rieter AG" компанияси ҳамкорлигида рўёбга чиқарилди.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, 222 йиллик тарихга эга мазкур компаниянинг Германия, Чехия, Хитой, Ҳиндистон каби давлатларда заводи очилган. Улар сафига бешинчи бўлиб қўшилган Ўзбекистонда ҳаётга татбиқ этилган лойиҳа энг истиқболли, деб баҳоланмоқда. Айрим мутахассислар эса компания келажагини ҳам бевосита ушбу янги ишлаб чиқариш объекти билан боғлаётгани кишида фахру ифтихор ҳиссини уйғотади, албатта.

Корхонада дастлабки босқич доирасида тараш ҳамда пилталаш машиналари ишлаб чиқариш ўзлаштирилган бўлса, орадан кўп вақт ўтмай, ҳалқали ип йигириш машиналари тайёрлаш ҳам йўлга қўйилиб, буюртмачиларга етказиб берила бошланди. Бу тўқимачилик машиналарининг сифат кўрсаткичлари жаҳон стандартларига тўла жавоб беради. Шунинг учун буюртмачилар сафи тобора кенгайиб, Ўзбекистон тўқимачилик машинасозлигида ҳам шуҳрат қозонаяпти.

## ЭЪТИРОФ

**Р. БАТЛЕР,**
**"Cotton Outlook"**
**халқаро ахборот агентлигининг**
**бошқарувчи директори:**

— Ўзбекистонда етиштирилган пахта ҳосилини қайта ишлашга устувор аҳамият қаратилмоқда. Шу мақсадда кейинги йилларда кўплаб замонавий тўқимачилик корхоналари барпо этилиб, хом ашёни қайта ишлаш коэффициенти муттасил равишда ошиб бораётир. Айниқса, серқуёш ўлкангизда юқори навли, саноатбоп пахта етиштирилаётгани, малакали ходимлар мавжудлиги ва бизнес юритиш учун кенг кўламли имтиёз ҳамда преференциялар яратилгани Ўзбекистонни инвестиция киритиш учун истиқболли мамлакат сифатида намоён этаяпти.

**К. ШИНДЛЕР,**
**Халқаро тўқимачилик маҳсулотлари**
**ишлаб чиқарувчилар федерацияси**
**бош директори:**

— Ўзбекистон тўқимачилик саноати сўнгги йилларда жадал суръатларда ривожланиб бормоқда. Соҳага инвестициялар жалб қилинаётгани, ишлаб чиқарувчилар қўллаб-қувватланаётгани, юқори қўшимча қийматга эга товарлар экспорти ҳажми ошаётгани бунда муҳим омил бўлаётир. Натижада тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган кўплаб янги корхоналар очилаяпти.

Мамлакатимизда пухта ўйланган ислоҳотларнинг изчил амалга оширилиши енгил саноат тармоғининг жадал ривожланишида намоён бўлиб, иқтисодиётимиз тобора мустаҳкамланишини таъминламоқда. Президентимиз таъкидлаганидек, "Бугун бир фикрни ҳеч иккиланмасдан, тўла ишонч билан айтишимиз мумкин: Ўзбекистон тарихан қисқа муддатда иқтисодиёти бир ёқлама ривожланган, асосан, пахта хом ашёси етказиб беришга мослашган, пахта яккаҳокимлиги ҳалокатли тус олган қолоқ республикадан тез суръатлар билан ўсиб бораётган замонавий саноат тармоғига эга бўлган, жадал тараққий этаётган мамлакатга айланди".

**Дилбар МУҲАМЕДОВА,**
**«Ўзбекенгилсаноат» акциядорлик жамияти бош бошқармаси бошлиғи.**

# Спорт

**Спортчиларимиз халқаро ареналарда юксак натижалар кўрсатиб, юртдошларимизга қувонч улашишда давом этишмоқда.**

## Икки йўналишда совриндор

Хусусан, тажрибали спорт гимнастикачимиз Оксана Чусовитина нуфузли "World Challenge Cup" мусобақасида қўш медални қўлга киритди. Кескин ва муросасиз рақобат остида кечган баҳсларда вакилимиз таяниб сакраш йўналишида шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилган бўлса, гимнастика предметида машқ бажаришда энг яхши иккинчи натижани қайд этди.

## Боксчилар ишончни оқлади

**Қозоғистонда ташкил этилган бокс бўйича халқаро турнир ҳам хушхабарларга бой бўлди.**

Ёш чарм қўлқоп усталаримиздан Ҳасанбой Латибохунов ўз вазн тоифасида тенгсиз эканлигини исботлади. Шунингдек, Ойбек Мамазулунов ва Ферузбек Матисоев кумуш, Анвар Рўзиқулов, Равшанбек Умрзоқов, Алишер Ҳабибуллаев, Жаҳонгир Турсунбоев ҳамда Икром Саидов бронза медаллари билан тақдирланди.

**М. ҚОСИМОВ тайёрлади.**

ЭЪЛОН

«МИКРОКРЕДИТБАНК» АТБ

MIKROKREDITBANK

«Fitch Ratings»
ХАЛҚАРО РЕЙТИНГ АГЕНТЛИГИ
«МИКРОКРЕДИТБАНК»
АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИНИНГ
ХАЛҚАРО РЕЙТИНГ КЎРСАТКИЧИНИ
«B»
«БАРҚАРОР»
ДЕБ ТАСДИҚЛАДИ.

Хизматлар лицензияланган.

1031A/95

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 767. 75 805 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.
Навбатчи — З. Ашурова.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.40 Топширилди — 21.35 1 2 3 4 5 6